



ТУРЛИ ДАВРЛАР ЛИРИКАСИДА ОЙ КЎЧИМИНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ ЯНГИ ПОЭТИК МАЪНО ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Тўхтамурод Абдуллаевич Ражабов

Бухоро давлат университети Ўзбек тили
ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7651878>

АННОТАЦИЯ

Кўчим ўзининг турли маъноларни ифодалай олиш хусусияти билан барча давр шоирлари учун муштарак бир уйғунлик касб этаверади. Бугунги кунда кўчим атамаси билан тадқиқ қилинаётган жуда кўп тушунчаларимиз мумтоз шеъриятда истиора санъати деб юритилган. Шеър ва кўчим масаласининг шаклланиш жараёни барча даврлар поэзияси учун умумийлик касб этади. Кўчим шеърий санъат ҳосил қилиши, фикрни янгилаиб бориш хусусияти бошқа шеър унсурларига исбатан етакчи бўлади. Модерн шеърияти фалсафий-бадий таҳлил ва тасвир тамойиллари теранлашган ижтимоий лирика сифатида намоён бўлади. Адабиёт ва санъат эса, ижодкорнинг ғоявий фалсафий нуқтаи назари билан идрок этилган, эстетик баҳоланилаётган қайта бунёд этилаётган реаллик саналади.

Тарихга мурожаат этиш – ҳамма даврлар адабиётида учрайдиган ҳодисадир. Аммо ёзувчининг тарихий ўтмиш материални тасвир предмети қилиб олиши унинг замонасидан юз ўгиргани ёки узоқлашганини кўрсатмайди. Ҳақиқий ёзувчи узоқ тарихни тасвирлаганда ҳам, замонавийлик ижодининг ўзаги бўлиб қолади. Кўчимларни ишлатишда ҳам шоирлар бунга билвосита амал қилади. Кўчим ўзининг турли маъноларни ифодалай олиш хусусияти билан барча давр шоирлари учун муштарак бир уйғунлик касб этаверади. Келтириб ўтилган мисоллардан шу нарса шу ҳолат аён бўлмоқдаки, замонавий шеърият вакиллари мумтоз адабиётимиз наъмуналарини қунт билан ўрганиб, устозларнинг яхши анъаналарини давом эттириб оригинал кўчимлар яратмоқдалар.

“Албатта, шеъриятда санъатнинг бошқа ҳар қандай турида бўлгани каби мазмун-моҳияти ўша-ўшадир, минг йилликдир, азалийдир. Лекин тан олишимиз керак, ҳар бир давр ўз табиатига, феъл – атворига ва мақсадига кўра ўша минг йиллик моҳиятни ўзида ифодалаган кўчимларни ўзида жо қилиб бораверади”¹. Навоий яшаган пайтда даражаланишига кўра

¹Жамдам У. Янги ўзбек шеърияти. – Т.: Адиб 2012, –Б 304





юқорида турган кўчим замонавий шеъриятда, иккинчи ёки ҳатто учинчи ўринга тушиши мумкин. Бугунги ўзбек шеърияти кўчимларининг ишланиш кўлами ва даражаси бўйича таснифласак, тарихий тараққиёт ва бугунги шеъриятдаги кўчимларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриш қийинчилик туғдирмайди.

Асосий қисм. Бугунги кунда кўчим атамаси билан тадқиқ қилинаётган жуда кўп тушунчаларимиз мумтоз шеъриятда истиора санъати деб юритилган. Алишер Навоий ижодидан кузатамиз:

Ул ой афсофини аҳли замондин,
Эшитур эрди бал яхши-ямондин.²


Шоирнинг хаёл қуввати шунчалик кенги, Ойнинг шуъласи оламни мунаввар қилганидай ёрнинг юзи ҳам ошиқ кўнглини нурафшон айлайди. Ҳазрат барча ғазалларида асосий образни қабартириб кўрсатиш учун ёрдамчи образлардан моҳирлик билан фойдаланади. Бу орқали ўқувчи онгида такрорланмас, қуюқлашган тасвир юзага келади. Юқоридаги мисрадаги юз ва ой қиёси ҳам чуқур маънодор ва ёрқин ифодаланган. Ой ва маъшуканинг юзи нур таратиш хусусиятига кўра бир-бирига мос келган. Шоир айнан мана шу ўчшашликни моҳирлик билан чизади, тасвирлайди. Умуман, ёрнинг юзини ойга ўхшатиш, ой билан дардлашиб ёрнинг висолига етгандай роҳат олиш мумтоз шеъриятимизда кўп учрайди. Аммо мана шу ой давр ўзгариши ва шеъриятга янги шаклларнинг кириб келиши билан янги-ёндоз маъноларни касб қилиб бораверади. Мазкур масала аслида бир қадар баҳсталаб. Шеър ва кўчим масаласининг шаклланиш жараёни барча даврлар поэзияси учун умумийлик касб этади. Кўчим шеърий санъат ҳосил қилиши, фикрни янгиланиб бориш хусусияти бошқа шеър унсурларига исбатан етакчи бўлади. Кўчимнинг жозибадорлиги кишилик жамиятидаги ўзгаришларни ифодалай олиши, бу жараёнларни халққа етказиб бериши билан ҳам характерланади. Масалан Фахриёр ижодидан қуйидаги мисраларни кузатамиз:

тушларимни қабартирар ой
тушларимнинг қадоқлари
юрагимга ботмоқда³

Шоир ўз ижодида поэтик образлар салмоғини ошириш учун ва янги кўчим ҳосил қилиш учун давр шеъриятининг янги усуллардан, хусусан модерн шеъриятдан фойдаланади. Манашу ҳолат адабиётга янги нафас киришига сабаб бўлади. Муаллиф хаёлот дунёси ва реал ҳаётда содир

² Навоий А. Ҳикматлар. Т.: Шарқ-2006

³ <http://www.parlib.uz/en-US/Record/Dethils/f47d44f1-67ea-4517-b465-411301a6ce14>





бўладиган ҳолатларни зўр ҳаққоният билан ифодалашга ҳаракат қилади. Юқоридаги мисраларда ҳам бир қарашда ушбу мисол англаб етиш мушкул, тушунарсиз бир шунчаки мисрадай таассурот уйғотади. Мушоҳада мазмунига, ундаги кўчимларни теранроқ англашга ҳаракат қилсак, шоир назарда тутган фикр салмоғи тош босиб бораверади. Оддий ҳаёт тарзида инсон кўрадиган туш қабариши мумкин эмас. Чунки тун мавҳум тушунчани англатади. Мисраларда “ой” сўзи “ушалмас орзу” маъносида ишлатилади. Шоир ушбу орзуга шунчалар қаттиқ интилади, ҳаттоки кун давомида ўйлаб юргани етмаганидек орзуларини тушларида ҳам кўради. Ўқувчига етиб бориши учун қайта-қайта қурилган тушдаги ойни “тушларимни қабартирди” -деб поэтик гўзаллик яратади. Қабариш том маънода қўл ёки оёққа кўра қўлланади. Бирон буюмни, масалан, кетмон ёки болтани, қўлда кўп тутиш қўлнинг қабаришига олиб келади. Бу ҳолатда эса шоирнинг бир нарсани тушида такрор-такрор кўриши тушнинг қабаришига олиб келади. Шу ўринда, бу ердаги сўз ўйинига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Шоир моҳирлик билан сўз ўйинидан фойдаланади. Яъни инсон қўлидаги ёки оёғидаги қабариқ янги чиққан ойга ўхшайди. Қўлдаги қабариқ катта бўлгандан кейин қадоқ бўлади. Қадоқ бўлса ойнинг тўлган шаклига қиёсланади. Мана шу воқелик гўзал чизгилар асосида ифода этилган.

Мустақиллик йиллар лирикаси инсон характери оламига, ички дунёсига, руҳий-маънавий оламига чуқурроқ кириб бормоқда. Инсон характерлари билан боғлиқ ҳолда фикрларни ўртага ташлаш тамойили кучаймоқда. Модерн шеърияти фалсафий-бадий таҳлил ва тасвир тамойиллари теранлашган ижтимоий лирика сифатида намоён бўлади. Ҳаётда ижтимоий муносабатлар кучайган, ўзгараётган ҳамда янгилаётган шароитда, табиийки, маънавий талаб-эҳтиёжлар ҳам ортиб боради. Шу нуқтаи назардан воқеликни унинг характерли тамойиллари билан биргаликда ўзлаштириш ва идрок етиш бадий ҳаққоний инъикосини топишга интилиш асосий ўринга кўтарилди. Замонавий шеърият кўнгил изҳори ва руҳ фалсафасини уйғунлаштириш асосида қурилмоқда. Бунинг ёрқин чизгиларини Фахриёр ижодида кўрамиз. Фахриёр ижодида ой билан боғлиқ бир-бирдан сара кўчимларни кузатамиз:

Ой тирноқ
аёл
зорлик⁴






“Санъат шундай олижаноб, ҳиссий қуролдирки, инсон бошқа ҳеч қайси йўл билан ифодамай билмаган нарсасини шу қурол воситасида ифодамайди. Бундан нари бориб кўрамизки, санъат муаммоси моҳиятан ҳал қилиб бўлмайдиган хусусиятга эга”.⁵ Модерн шеърини тамойиллари инкор қилмайдиган шу тўрт сўздан иборат тўрт мисра шеър ўзида жуда катта маънони ифодамайди. Шоир сўз ўйини қилиш орқали тўрт қатор шеърда ажойиб кўчимларни юзага чиқаради. Тунда ким бедор бўлади? Тунда одатда эмизикли боласи бор аёл бедор бўлади. Баъзан оналар шундан нолиб қолади. Аммо тунда бедор бўладиган яна шундайлар борки, булар фарзандсиз аёллар. Болали онанинг озорлари бу аёлга роҳат бўлиб кўрилади. У ҳам тун бўйи боласига парвона бўлишни хоҳлайди. Бунда “ой” бола рамзи бўлиб келмоқда. Тирноқ сўзи фольклордан тортиб, бугунги кунга қадар фарзанднинг рамзи саналади. Тирноқнинг олиб ташланган қисми эса ойга ўхшайди. Яъни фарзандсиз она тирноққа зор. Бу зорликни у тунда, ёлғизликда, сукунатда сезади. Тунда уни тингловчи фақатгина ой бўлади. Бундай кўчимлар орқали шеърининг залвори ортиб боравериши табиий ҳол.

Тимсолли образлар орқали ҳаёт ҳақиқатлари уйғунлаша боради. Ана шу ҳолатда намоён бўлган поэтик тафаккур миллийликнинг хусусиятлари сифатида бўй кўрсатади. Ана шу соф миллийлик, ўз навбатида, умумбашарий мазмун моҳият касб этади ва бошқа эллар кўнглида акс-садо беради, юракка йўл топади. Бадиий ижод жараёнида ой кўчими даврлар оша ўзида янги маъно қирраларини касб этиб келяпти дейиш мумкин. Мумтоз адабимётимиз давридан ёрга қиёсланган ой бугунгача ўзида кўплаб маъноларни акс эттириб келади. Бу орқали шоирларнинг ижодий ютуқлари кўпаяди ва улар яратган образлар адабиётда чуққурроқ из қолдиради. Масалан, Машраб ижодида ой ёрнинг юзини, қошини эмас, балки бутун бошли ўзини ифодалаганини кўришимиз мумкин.

Эй моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво, девона бўлубман,
Ишқинг ўти сийнамни узадур, сенга парвона бўлибман.⁶

Кўриш мумкинки, Машраб катта мазмун йирик умумлашмаларни содда ва қисқа ифодалар орқали баён қилади. Бунда ғазалнинг ҳар бир образи, ҳар бир ифодаси аниқ ғояга узвий боғланган бўлади. Ғазалдаги тасвирлар шоирнинг айтилган авжи келган пайтда битилганини кўриш мумкин. Машраб ёрини таърифлар экан, унга бевосита эй ой (моҳ) деб мурожаат қилади. Ёрини гўзалликда танҳо билгани учун унинг бирон аъзосини эмас

⁵ Ян Парандовский. Сўз кимёси.. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010. –Б
⁶ Машраб. Девон. – Т.: Ғофур Гулом, 1980 – Б. 251





бор бўйича ойга менгзайди. Маъшуқа ошиққа бепарволиги, ёнида парвонадай турса ҳам ошиққа эътиборсизлигидан куйинади. Ишқда девона бўлганлиги ва ўзига раҳм қилишини сўрайди. Моҳ деб Машраб ёрни ифодалайди. Аёнлашадикки, моҳ сўзини инсоний севги-муҳаббат маъносини ифодаловчи рамзлар қаторига қўшиш мумкин бўлади.

Хулоса. Шундай қилиб, адабий анъаналар, санъаткорнинг бадиий-эстетик тафаккур тарзи, фалсафий-ижтимоий ҳаёт манзараси ва миллат манфаатлари ўзаро алоқадорликда адабий жараёндаги сифат ўзгаришлари моҳиятини белгилаб бермоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт тарзи фалсафий, ижтимоий, бадиий-эстетик жиҳатдан идрок этиладиган жараён. Бу жараённи ифодаловчи тушунчалар, рамзлар, кўчимлар реал ҳаёт билан давомий боғланиб бораверади. Бизнинг асосий мақсадимиз эса мана шу реал ҳаётда рўй бераётган-янгиланаётган кўчимларни топишдан иборатдир. Адабиёт ва санъат эса, ижодкорнинг ғоявий фалсафий нуқтаи назари билан идрок этилган, эстетик баҳоланилаётган қайта бунёд этилаётган реаллик саналади. Ана шу тасвир ва талқиндаги нуқтаи назарлар хилма-хиллиги илмий баҳолар-назарий хулосалар табиатини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983. – Б. 71
2. Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари.Фил.фан.док ...дис. автореф. –Тошкент. 2018. – Б.27.
3. Юсуф М. Сайланма. – Т.: Шарқ. 2007. –Б. 54.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр. 2010. – Б. 181.
5. Огаҳий. Девон. – Т.: Ғофур Ғулом. – Б. 421.
6. Фитрат. Адабиёт қоидалари. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 62
7. Султон И. Адабиётшунослик назарияси. Т.: Шарқ. 1980, –Б 206
8. <https://ziyouz.uz/videoteka/bobur-xazon-yafroggi-yanglig-gul-yuzung-hajrida-sargardim-video/>

